



МУАЛЛИФЛИК ХУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТДА
МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тошев Дилшод Бобокулович¹

хуқуқ магистри

Нозимов Баҳром Ҳаётжон ўғли²

хуқуқ магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7162117>

Аннотация. Мақолада муаллифлик хуқуқи объектларининг хуқуқий муҳофазаси, муаллифларнинг мутлақ хуқуқлари, интернетнинг жамият ва инсонлар ҳаётидаги бугунги ўрни, интеллектуал мулк объектларини интернетда муҳофаза қилишдаги муаммолар, халқаро ҳужжатларнинг интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишдаги роли, интернетга хуқуқий мақом бериш заруратига оид хуқуқий асослар ўрганилган. Шунингдек, муаллифлик хуқуқини интернетда ҳимоя қилишга оид нормаларни миллий қонунчилик тизимларида ўрнатиш муҳимлиги амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Интернет, интеллектуал мулк, муаллифлик хуқуқи, Берн конвенцияси, МДҲ давлатлари ўртасидаги битим.

Аннотация: В статье рассматриваются правовая охрана объектов авторского права, абсолютные права авторов, роль сети Интернет в обществе и жизни людей на сегодняшний день, проблемы охраны объектов интеллектуальной собственности в сети Интернет, роль международных документов в защите интеллектуальной собственности, правовое основание необходимости придания Интернету правового статуса. Также с практической точки зрения анализируется важность установления норм, связанных с охраной авторских прав в сети Интернет в национальных правовых системах.

Ключевые слова: Интернет, интеллектуальная собственность, авторское право, Бернская конвенция, соглашение между странами СНГ.

Abstract: The article examines the legal protection of copyright objects, the absolute rights of authors, the role of the Internet in society and people's lives today, the problems of protecting intellectual property objects on the Internet, the role of international documents in the protection of intellectual property objects, the legal basis of the need to give the Internet a legal status. Also, the importance of establishing norms related to the protection of copyright on the Internet in national legal systems is analyzed from a practical point of view.

Keywords: Internet, intellectual property, copyright, Berne Convention, agreement between the CIS countries.





Инсоният йигирма биринчи асрга келиб нафақат илм-фанда улкан ютуқларга эришди, балки инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳасида “World Wide Web”, яъни интернет деб аталадиган “онлайн дунё”нинг бир қисмига айланиб улгурди. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни бевосита интернет билан узвий ва ажралмас ҳолда боғланди. Бу эса табиийки, инсонларга қулайлик яратиш билан бирга, бир қатор соҳаларда ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари поймол бўлишини тезлашишигаам олиб келди.

Маълумки, ҳуқуқ эгаларининг катта қисми интеллектуал мулк объектларининг муаллифларидир. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилишда бир қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда. Чексиз интернет – чексиз имкониятлар бир томондан интеллектуал мулк объектларинг шиддат билан алмашинувини юзага келтирган бўлса, иккинчи томондан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини назорат қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Зеро, интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларга эга. Шунини таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди.

Интернетнинг инсон ва жамият ҳаётидаги роли тобора ортиб бориши билан интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан интеллектуал мулк объектларини интернетдаги самарали ҳуқуқий муҳофазасини талаб қилмоқда. Чунки, интеллектуал мулк иқтисодиёт ривожланишининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар катта даромад келтирувчи соҳага айланиб улгурган. Масалан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти маълумотларига кўра, машхур кино қаҳрамонлари ва ўқув-илмий нашрлардан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш натижасида тегишли давлатлар миллиардлаб доллар даромад кўрмоқда. Шу боис, ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида интеллектуал мулк ривожига катта эътибор қаратилгани ҳолда, уларнинг инвестициявий жозибадорлиги яхшиланган, ички ялпи маҳсулотдаги улуши кескин ортиб бормоқда. Мисол учун, интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда эса 7 фоизни ташкил этади.

Халқаро тажрибалар таҳлилидан маълумки, бугунги тараққий этган аксарият давлатлар иқтисодиёти юқори ўсишининг асосий омилларидан





бири айнан интеллектуал мулк ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий ҳимояси таъминланганлиги туфайлидир .

Виртуал дунёда, яъни интернетда муҳофаза қилиниши ўта зарур бўлган интеллектуал мулк объектларининг катта қисми муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқи объектлари ҳисобланади. Чунки, ушбу объектларни интернетда осонгина кўчириб олиш, кўпайтириш ва тарқатиш мумкин. Бу эса бевосита муаллифларга катта миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келади .

Интернетда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш бўйича дунёда алоҳида ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги эса ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмини шакллантиришда қийинчиликларга олиб келмоқда. Ушбу соҳани интернетда ҳимоя қилиш ҳозирса халқаро миқёсда 1886 йили қабул қилинган “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенцияси орқали тартибга солинади. Унга кўра шартномани имзолаган барча давлатлар конвенцияни имзолаган бошқа мамлакатлар муаллифларига ўз фуқаролари каби ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини оладилар . Бундан кўриниб турибдики, ушбу конвенцияга ҳар бир аъзо давлат ўз ҳудудида муаллифларнинг конвенцияда белгиланган ҳуқуқлари бузилиши олдини олиши, конвенция нормаларини ўз қонунчиликларида акс эттиришлари лозим.

Айрим давлатлар ёки минтақаларда аллақачон ушбу соҳада ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, Европа Иттифоқида муаллифлик ҳуқуқига оид фаолиятни таъминлашда кейинги йилларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим стандарт даражасидаги ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1991 йил “Компьютер дастурларини ҳимоя қилиш ҳақида”, 1992 йил “Турдош ҳуқуқлар объектларини ижарага ва прокатга бериш ҳуқуқлари ҳақида”, 1993 йил “Кабелли ва сунъий йўлдош орқали узатувчи ташкилотларга қўлланадиган қоидалар ҳақида”, 2000 йил “Ахборотлар базасининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида”; 2000 йил “Компьютерлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”ги Директиваларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Европа Иттифоқи мамлакатларида янги асрда ахборот-технологиялари билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланиши тенденцияларини анча вақт олдин россиялик олимлар айтиб ўтишган эди. Республикамизнинг халқаро савдо тизимида кириши ва янги технологиялар билан боғлиқ халқаро сиёсат юритишида ривожланган



мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш орқали, кейинги қадамларни белгилаб олиш ҳозирги кунда олдимизда турган асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида амалдаги интеллектуал мулк соҳаси қонунчилигини такомиллаштириш, уни янги нормалар билан бойитиш, қонунчиликдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш зарурияти субъектив қараш ёки фикр бўлмасдан, балки интеллектуал мулк ҳимояси масалалари билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг ҳам талабидир.

Бугунги кунда илм-фан, техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар интеллектуал фаолият объектлари доирасини доимий равишда кенгайтириб ва чуқурлаштириб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳадаги қонунчилик тўхтовсиз такомиллаштириб бориш заруратини келтириб чиқаради.

2021 йил 12 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган “МДХ иштирокчи-давлатларининг ахборот-телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида”ги Битим интернетда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги янги қадам бўлди. Ушбу ҳужжат МДХ давлатлари доирасида 1993 йил 24 сентябрдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” Битимнинг ўрнига қабул қилинди. 1993 йилдаги Битим ўз навбатида муаллифлик ҳуқуқини МДХ давлатлари ўртасида ўзаро ҳимоя қилишда хизмат қилди. Унинг амалда бўлиши жумладан, фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш орқали маданий қадриятларни ўзаро алмашиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди.

2021 йилда янги Битимнинг иштирокчи давлатлари халқаро шартномаларга қўшилганлар, яъни адабий ва санъат асарларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси, фонограмма ишлаб чиқарувчиларни уларнинг фонограммаларини рухсатсиз такрорлашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси ва Рим конвенцияси аъзоларидир. МДХ давлатлари ушбу конвенциялардан келиб чиқиб, ўзларининг миллий қонунчилигини уйғунлаштиради, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ушбу шартномалар талаблари даражасида ҳимоя қилишни таъминловчи қонунлар қабул қилинади.





Бироқ, ҳужжатларда рақамли технологиялар, жумладан, интернетнинг жадал ривожланиши, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларининг кўп турлари (адабий-муסיқий асарлар, фильмлар ва бошқалар)ни рақамлаштириш ва уларнинг интернет орқали кенг тарқалиши каби омиллар ҳисобга олинмаган. Интернетда, кўпинча муаллифлар ва муаллифлик ҳуқуқининг бошқа эгалари розилигисиз ахборот алмашинувини фаоллаштирилади. Буларнинг барчаси рақамли муҳитда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг тизимли бузилишига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, муаллифларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чораларни миллий қонунчиликда ўрнатиш талаб қилинмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун МДХ доирасидаги қонунчиликни рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги замонавий воқелик ва халқаро талабларга мувофиқлаштириш зарурлиги аён бўлди.

2021 йил 12 ноябрь куни қабул қилинган Битим МДХга аъзо давлатларнинг ахборот ва телекоммуникация тармоқларида, жумладан, интернет тармоғида муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш бўйича умумий ёндашувларни, шу жумладан, қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш орқали йўлга қўйиш имконини беради. Тегишли миллий қонун ҳужжатларини, Ҳамдўстлик доирасида ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш шароитида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқига риоя қилишни дунё миқёсида бирхиллаштириш, инсониятнинг муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларига ҳурмат кўрсатиши, асарларнинг дахлсизлиги таъминлаш, ижодкорларнинг асар яратиш иштиёқларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар бир давлат интернетда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи махсус қонунни қабул қилиши керак. Жумладан, республикамизда интернетнинг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланиши зарур. Бугунги кунда интернет тармоғидаги ҳуқуқий муносабатлар фақатгина қонун-ости ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Шунга кўра, интернет тармоғи орқали муносабатга киришаётган субъектларнинг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида белгилаш энг долзарб вазифалардан бўлиб турибди.





Интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш, халқаро мажбуриятларимиз бажарилиши учун соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка сингдириш лозим. Бундан ташқари, интернет тармоғида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни аниқлаш тизими шаакллантириши, соҳавий доктрина ва концепция ишлаб чиқилиши лозим. Содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беришда эса электрон шаклдаги далилларни тўплаш ва улардан мақбул далил сифатида фойдаланишнинг ҳуқуқий мезонлари белгиланиши керак.

References:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон; 10.02.2022 й., 03/22/752/0113-сон; 30.03.2022 й., 03/22/761/0250-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон. <https://lex.uz/docs/180552>
- 2.Мардаев Б. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси. Интеллектуал мулк муҳофазасида қатъий чоралар зарур. <https://yuz.uz/news/intellektual-mulk-muhofazasida-qatdiy-choralar-zarur>
- 3.Gunish Aggarwal.Intellectual Property Rights And The Internet World. International Journal of Law Management & Humanities/ 2018 IJLMH | Volume 1, Issue 2 | ISSN: 2581-5369. <https://www.ijlmh.com/wp-content/uploads/2019/03/Intellectual-Property-Rights-And-The-Internet-World.pdf>
- 4.Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида Берн конвенцияси https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/berne/trt_berne_001ru.pdf
- 5.Тошев Б.Н.. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми.-Т.: "Voris-Nashriyot", 2007.
- 6.Кравец Л.Г. Проблемы охраны интеллектуальной собственности в условиях всемирной торговой организации / Сост.– М.: ИНИЦ Роспатента, 2005.
- 7.Худайбердиева, Г. А. "ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." International journal of conference series on education and social sciences (Online). Vol. 1. No. 1. 2021.



8.Gulnora, Khudaiberdieva. "COPYRIGHT APPLICATION TO CERTAIN AUDIOVISUAL WORKS." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022): 498-503.

9.Gulnora, Khudaiberdieva. "FEATURES OF MANAGEMENT OF AUTHORS'PROPERTY RIGHTS ON A COLLECTIVE BASIS." Conference Zone. 2022.

10.Соглашение о сотрудничестве государств - участников СНГ по охране и защите прав на объекты авторского права и смежных прав в информационно-телекоммуникационных сетях от 12 ноября 2021 года.
<http://publication.pravo.gov.ru/Document/View/0001202209230001>

